

Фузайлнинг тавбаси



17:01 / 04.11.2021 3592

Фузайл ибн Иёз роҳимаҳуллоҳ аввалда қароқчи, йўлтўсар эди. Битта, иккита мусофирни кўриб қолса уларни уриб, кўрқитиб молини олар эди.

Унинг тавбасининг сабаби қуйидагичадир:

У бир жорияни севиб қолади. У билан учрашиш учун унинг уйига боради. Девордан ошиб ўтаётганда қуйидаги оятни эшитиб қолади. Ичкаридан кимдир тиловат қилаётган эди:

«Иймон келтирганлар учун Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа қалblлари юмшаш, айна чоқда, олдин китоб берилган, сўнг муддат ўтиши билан қалblлари қотиб қолган, кўплари фосиқ бўлганларга ўхшамаслик вақти келмадимми?!».

Бу оят Фузайлнинг қалбини забт этади. У: «Эй Роббим! Келди!», дея ўша лаҳзада қайтади. У бир харобага боради. У ерда кишилар сафарга чиқмоқчи бўлиб туришган экан. Улар ўзаро гаплашиб туришган эди. Уларнинг баъзиси «ҳозир йўлга чиқамиз», деса, бошқаси «эрталаб чиқамиз», ҳозир чиқсак Фузайл молимизни тортиб олади», дер эди. Шунда Фузайл ўзига деди:

«Ҳолингга вой эй Фузайл! Кечалари гуноҳ қиласан, мусулмонларни кўрқитасан!».

Сўнгра Фузайл уларни тинчлантириш учун олдиларига борди, томоғига йиғиси тикилган ҳолда: «Батаҳқиқ, Аллоҳ йўлни Фузайлдан тозалади. Мана, у сизнинг қаршингизда тавба қилган ҳолида турибди! Умид қиламанки, бугундан бошлаб мени фақат Аллоҳга қочган ҳолимда, У Зотнинг Байтул Ҳароми олдида кўрасизлар!», деди.

Фузайл Маккага борди. Бутун вақтини ибодатга, илмга бағишлади. Натижада ислом тарихидаги тобеинларнинг энг буюкларидан бирига айланди.

Фузайл ибн Иёз ҳақида имом Заҳабий шундай дейди:

«Фузайл имом, етакчи, ишончли киши ва шайхул исломдир».

Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ айтади:

«Фузайл ишончли киши, обид ва имомдир».

Абдуллоҳ ибн Муборак роҳимаҳуллоҳ айтади:

«Менинг наздимда ер юзида Фузайл ибн Иёздан афзал киши қолмади».

Имом Насоий роҳимаҳуллоҳ айтади:

«Фузайл ишончли ва солиҳ кишидир».

Буларнинг баридан шундай хулоса яшаш мумкин.

Ҳеч кимнинг ҳидоят топишидан умид узманг. Ширкдан кейинги энг катта гуноҳ одам ўлдиришдир. Ҳатто юзта одам ўлдирган шахс, яшаб турган жойидан чиқиб бошқа жойга кетаётганида унга ажали етиб ўлгани ва оқибатда уни раҳмат фаришталари олиб кетишгани ҳақида барчангиз биласиз.

Мусо алайҳиссалом билан баҳс қилгани келган сеҳргарлар мусулмон бўлишди. Улар эрталаб кофир эдилар, кечқурун мусулмон ҳолда Фиръавн томонидан дорга тортилиб шаҳид бўлишди. Дор уларнинг динидан қайтара олмади.

Умар розияллоҳу анҳу мушриклик даврларида мусулмонларга жуда қаттиққўл ва шафқатсиз эдилар. У киши ҳақида одамлар: «Умарнинг эшаги мусулмон бўлиши мумкин, аммо унинг ўзи мусулмон бўлмайди», дейишар эди. Сўнгра у зот мусулмон бўлдилар. У кишининг мусулмон бўлиши фатҳ, ҳижрати ғалаба ва халифалиги эса раҳмат бўлди!

Масаланинг иккинчи томонидан ҳам эҳтиёт бўлишимиз лозим. Мусо алайҳиссалом билан Мисрдан мўъмин ҳолда чиққан, Мусо алайҳиссалом уларга Аллоҳнинг изни билан денгиздан асолари билан йўл очган Бани Исроил қавми (яхудийлар) денгиздан ўтиб олгач бузоққа ибодат қилиб қўйишди.

Бу қалбимиз Аллоҳнинг қўлида. Уни қандай истаса шундай қилади. Аллоҳдан сабот сўрайлик. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам доимо: «Эй қалбларни ўзгартирувчи Зот! Қалбимни динингда собит қил!»- деб дуо қилар эдилар.

Абдулқодир Полвонов